СУРГУНДАГИ ЮРТДОШЛАР ТАҚДИРИ

Рустамбек Шамсутдинов, Манзура Акбарова. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати.- Т.: Шарқ НМАК, 2009.- 224 б.

Ўзбек халқи босиб ўтган кўп минг йиллик тарихни миллий истиқлол ғоялари асосида холисона ёритиш тарихшунослик фанининг долзарб масаларидан бири саналади. Зеро, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: “тарихимизни теран, холисона ўрганишимиз айни вақтда мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраш, мустаҳкамлаш, эл юрт ва миллатга садоқат тушунчаларини ёшларимиз онгига чуқур сингдиришимиз. Эл юртимиз тақдирига даҳлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларни тўла очиб, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш”[1],- бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Юртимизнинг шўро даври тарихидаги тадқиқ этилмаган мавзуларидан бири «қулоқлаштириш» муаммоси бўлиб, унинг ўрганилиши қатағонга учраган, сургун қилинган юртдошларимизнинг аянчли тақдирини холис ёритиш, мустабид тузумнинг иллатли моҳияти, инсонийликка зид қиёфасини тўла очиб беришда муҳим аҳамиятга эга. Яккаҳоким мафкура тарғиботи ва жабр зулмга асосланиб халқимиз тарихини бузиб кўрсатган мустабид тузумнинг инқирози, мустақилликка эришишимиз билан халқимиз ҳаққоний тарихини тиклаш ва ундан руҳий қувват олишдек улуғ бахтга мушарраф бўлди.

Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Р.Шамсутдинов билан шогирди М.Акбаровалар ҳамкорлигида ёзилган “Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати” номли китоб шу йўлдаги яна бир дадил қадам саналиши мумкин. Китоб Ўрта Осиёда совет режими зўрлик билан ўтказган коллективлаштириш, қулоқлаштириш кампанияларининг аянчли оқибатларини Қозоғистонга сургун қилинган юртдошларимизнинг фожиали тақдири орқали очиб беришга бағишланган. Ушбу асар тарихий-илмий жиҳатдан илгарироқ чоп этилган “Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати” номли китобнинг мантиқий давоми бўлиб, Р.Шамсутдинов тарихшунослигимиздаги зикр этилган бўшлиқни тўлдиришга астойдил киришганининг яна бир далилидир.

Муаллифлар Президентимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли китобида эл юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида кўплаб маъшум хатарларни неча бор кўргани, уларнинг жабру жафосини тортгани ҳақида тўхталиб айтган: «Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиали ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан огоҳ бўлиб яшашга даъват этиш лозим»[2],- деган фикрларини ўзларига дастуруламал деб билганлар. Шунинг учун ҳам бу машъум кампания давомида қулоққа тортилган, колхоз тузумига қарши турган ёки колхозга кирмаган деҳқонларнинг Шимолий Қозоғистонга сургун қилиниши, бу минтақадаги ГУЛАГ лагерларида чеккан азоблари, фожиали қисматларининг ҳали ўрганилмаганлиги мавзунинг танланишига асосий сабаб бўлганлиги таъкидланади.

Биринчи бобда муаллифлар масалага эскича ва янгича қарашларни, унинг шўро ва мустақиллик даври тарихшунослигида ўрганилишини қиёслаб, танқидий таҳлил қилганлар. Мавзунинг шўро ва мустақиллик даври тарихшунослигида ўрганилиши академик Р.Х.Аминова номи билан боғлиқлигини, энг муҳими, олима аввал ўзи илгари сурган коллективлаштириш ва қулоқлаштириш тарихининг сохталаштирилган талқинидан бутунлай воз кечиб, янгича методология, мустақиллик руҳида ўрганиш истиқболларини кўрсатиб берганини муаллифлар холис таъкидлайдилар. .

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқининг турмуш тарзига, менталитетига, қалби ва онгига мутлақо сингмаган коллективлаштиришнинг зўрлик билан ўтказилиши партиянинг ленинча миллий сиёсати тантанаси, қишлоқда социализм қуришнинг ғалабаси сифатида ижобий баҳоланиб келинди. Совет тарихшунослигининг бундай мақтовлари, юқорида таъкидланганидек, академик Р.Х.Аминова асарларида, Р.Т.Шамсутдиновнинг монографик тадқиқотларида, шунингдек, олимнинг шогирдлари — М.Ғ.Абдуллаев, Б.М.Расулов, А.Мамажоновларнинг мақола ва диссертацияларида танқид остига олингани, совет тарихшунослиги танқидий таҳлил қилиб берилгани, мавзу тарихшунослиги бўйича эълон қилинган қатор илмий мақолаларда коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилиш,

[1] Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: «Маъавият», 2008. -98 б.

[2] Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: «Маъавият», 2008. -4 б.

«қулоқлар қишлоғи»даги фожиали ҳаёт, қайта қатағон қилиш жараёнлари ёритилгани таъкидланган. Мазкур масала тарихшунослигининг айрим қирралари Д.А.Алимова таҳрири остида нашр этилган уч жилдлик ҳужжатлар ва материаллар тўпламида очиб берилгани кўрсатиб ўтилган.

Китобнинг иккинчи ва учинчи боблари коллективлаштириш ва қулоқлаштириш жараёнларининг бутун даҳшатини очиб бериш мақсадига қаратилган. Бу кампанияни амалга оширишда деҳқонларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш сиёсати кенг қўлланган, қулоқ қилиниши лозим бўлганлар тўғрисида хуфёна материаллар тўплаш ишлари кенг йўлга қўйилгани, табиийки, бунда адолат ва ҳақиқат тамойиллари, инсон ҳуқуқлари поймол этилгани далиллар асосида кўрсатиб берилган. Китобни ўқиш давомида кейинги йилларда кўп бор такрорланаётган шўронинг ноинсоний қиёфаси ҳақидаги гаплар шунчаки ташвиқот учун эмас, айни ҳақиқат эканлигига амин бўлади киши.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, китоб бу машъум жараён ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиради. Жумладан, унда Қозоғистонга сургун қилиш ҳали қулоқларни синф сифатида тугатишга киришилмаган, ёппасига коллективлаштириш йўлига ўтилмаган вақтлардаёқ —1926-1927 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти даврида бошланиб, 1945 йилгача давом этгани далиллар асосида кўрсатилган. Муаллифлар бу жараённинг уч босқичда ўтгани, биринчи босқич 1927-1932 йилларни, иккинчи босқич 1933-1941 йилларни, учинчи босқич 1941-1945 йилларни ўз ичига олганлиги, босқичларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга эканлигини қайд этадилар. Бу хулосалар Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси қошидаги ҳуқуқий статистика ва махсус учёт Комитети архиви, СССР Ички ишлар министрлигининг 1955 йилдаги № 0026 сонли буйруғига мувофиқ сургун қилинган ва қайтариб юборилганлар рўйхати асосида чиқарилади. Китобда ёзилишича, архивларда кўплаб юртдошларимизнинг шахсий ишлари йўқ қилинган(бу рўйхат келтирилган)ки, бу қулоқлаштириш жараёни биз ўйлагандан кўра ҳам даҳшатлироқ бўлган деб ўйлашимизга асос беради.

Китоб юртдошларимизнинг сургундаги ҳаёти ҳақида ҳаққоний маълумотлар бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Муаллифлар сургундаги турмушнинг қандай йўлга қўйилгани ҳақида тасаввур бериш учун СССР Халқ Коммисарлар Совети қарори билан 1930 йил 7 апрелда тасдиқланган “Меҳнат тузатув лагерлари тўғриси”даги Низомни таҳлил қилишган. Шу Низомга мувофиқ ташкил қилинган лагерларнинг жами 63 тага етгани, Қозоғистон ҳудудида Қарағанда меҳнат тузатув лагери (Қарлаг) алоҳида аҳамият касб этганлиги кўрсатиб берилган. “Катта террор” авжига минган 1937 йил 1 октябрдаги маълумотнинг иккинчи қисмида Қарағанда лагеридаги маҳбусларнинг миллий таркиби қуйидагича бўлган: 854 нафари ўзбек, 209 нафари туркман, 120 нафари қирғиз, 71 нафари тожик.

Қозоғистонга сургун қилинган ўзбеклардан 185 нафари Шортандин районидаги 37-меҳнат посёлкасида бўлганки, муаллифлар уларнинг ҳаётига алоҳида тўхталиб, шу асосда барча сургундагиларнинг фожиасини очиб берадилар. Бунда Қозоғистоннинг Акмала вилояти Шортандин райони давлат архивидаги «Червонное поле» колхозининг 1938-1948 йилларга оид ҳужжатлари, Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги ҳуқуқий статистика ва махсус учёт Комитети архивидан олинган материаллар манбавий асос бўлиб хизмат қилган, улар илк бор илмий истеъмолга киритилган. Ушбу материаллар “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси томонидан Қозоғистоннинг Туркистон, Олма-ота, Остона ва Кокчетов шаҳарларига илмий сафарлари давомида йиғилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Асар илмий ва манбавий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз. Шу билан бирга, у бугунги кунда жуда катта амалий, маънавий аҳамиятга ҳам моликдир. Зеро, яқин ўтмишдаги фожиали воеаларни чуқур англаш, ота-боболаримиз бошига тушган оғир мусибатларни, ўтмишнинг аччиқ, ҳасратли саҳифаларини билиш, улардан сабоқ олиш бугунннинг ўткир маънавий-руҳий эҳтиёжидир. Иккинчи томондан, Қозоғистон сургуни азоб-уқубатларини тортган юртдошларимизнинг айримлари ҳозирда барҳаёт, бошқаларининг фарзандлари, яқинлари бор. Улар учун сургун даҳшатлари ҳақидаги бор ҳақиқат, китобда номма-ном келтирилган жабрдийдалар рўйхати бениҳоя зарур ва ардоқлидир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, «… ана шу аччиқ ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур англаб олиши…» лозимдир.[3]

А.Мамажонов,
тарих фанлари номзоди, доцент
Х.Қурбонов,
Ўзбекистон тарихи кафедраси аспиранти

[3] Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маъавият, 2008. Б.15